



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2001 йил 17 февраль, шанба • №14 (11.299)

Эркин нархда сотилади

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ

16 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис раиси, Бош вазир, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис раисининг ва Бош вазирнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раислари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирликлар, идоралар, кўмита ва уюшмалар раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнини жиддий таҳлил қилар экан, бу борада қўлга киритилаётган ютуқларга ва йўл қўйилаётган камчилик ҳамда нуқсонларга алоҳида тўхталиб ўтди. Таъкидланганидек, иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш бўйича иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида белгилаб берилган устувор йўналишлар 2000 йилда изчиллик билан амалга оширилди. Иқтисодиётда барқарорлик ва ривожланиш таъминланиб, ялпи ички маҳсулот ўсиши 4 фоизни ташкил этди. Саноат, истеъмол моллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш кўпайди, чакана товар айланиши, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажмлари сезиларли даражада ортди.

Шунингдек, иқтисодиёт ривожининг асосий белги-

ларидан бири — экспортнинг ўсишига эришилди. 2000 йилда қабул қилинган сармоявий лойиҳа деярли тўла бажарилди. Иқтисодиётга 810 миллион АҚШ доллари миқдорига сармоя киритилди. Жалб этилган жами сармоянинг 55 фоиздан ортиги ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилди.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида юқоридаги ютуқларни санаб ўтар экан, экспортни кўпайтириш ва халқаро бозорга чиқишда йўл қўйилаётган камчиликларни танқид қилди. Чунки, талай корхоналар ўз маҳсулотини экспорт қилиш бўйича белгиланган режаларни бажармади.

Экспортнинг кўпайишидан иқтисодиётимизга нақадар фойда келишини кўпчилик яхши билади. Шундай экан, нега бу борада белгиланган вазифаларни амалга оширишда сусткашликларга йўл қўйилмапти? Бунинг асосий сабабларидан бири — корхона раҳбарларида ташаббус етишмаётганлиги, уларнинг узоқни кўриб иш тутишдан йироқлиги.

Мажлисида маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича қабул қилинган дастурни амалга ошириш суръати суст бораётгани ҳам танқид қилинди. Ислон Каримов хорижий ҳамкорлар билан қўшма корхона ташкил этилаётганда бутловчи қисмларнинг асосий қисмини ўзимиз-

да ишлаб чиқаришга эътибор қаратиш зарурлигини уқтирди. Бу қўшимча ишчи ўринлари яратишдан ташқари, валютани тежаш, четга қарамликдан қутулиш имконини беради.

Қишлоқ жойларида хорижий сармоя асосида маҳаллий хомашё билан ишлайдиган корхоналар қуришни кўпайтириш лозим, деди Президент. Чунки бу борадаги ишларни қониқарли деб бўлмайди. Хусусан, ўтган йили ташкил этилган 152та қўшма корхонанинг деярли ярми Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келади.

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутди. Шу сабабли ҳукумат ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга жиддий ёндашувни талаб қилиб келади. Ислон Каримов Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоят ва туманлар ҳокимликлари, хўжаликлар бу соҳага етарли эътибор қаратмаётганини танқид қилди. Ҳолбуки, айни пайтда мамлакатимизда сугориладиган ерларнинг 50 фоизининг мелиоратив аҳволи яхшиланишга муҳтож. Бу эса яқин йиллар давомида соҳага эътибор қаратилмаса, келажакда унумдор ерларнинг кескин камайиб кетишига олиб келади. Шу боис Президент ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида 2010 йилгача мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш борасида кўрсатма берди.

Ўтган йили пахтачилик бўйича режаларни бажаришнинг аҳволи қандай бўлгани кўпчиликка маълум. Ислон Каримов жорий йилда бу борада камчиликларга йўл қўйиб бўлмаслигини уқтирди. Президентимиз, айниқса, уруғ танлашга жиддий эътибор қаратиш лозимлигини айтди. Зеро, сифатли тола яхши уруғдан олинади.

Тола сифати яхши бўлмаган пахта эса жаҳон бозорида харидоргир эмас. Агар Ўзбекистонда етиштирилаётган пахта ҳажмига нисбатан олиб қаралса, бу борадаги эътиборсизлик бизни жуда катта миқдордаги хорижий валютадан маҳрум қилади.


— Биз замонавий коллежлар, лицейлар қурямиз, — деди давлатимиз раҳбари маърузасида. — Бироқ бу ўқув даргоҳларида болаларимизга кимлар таълим беришини ҳам ўйлаб кўришимиз керак. Шу сабабли уларга малакали, билимли ўқитувчиларни жалб этишга эътибор бериш зарур. Ҳокимлар ўз худудларидаги барча ўқув даргоҳларининг аҳволидан доимий равишда хабардор бўлиб туриши лозим.

Президент таълим тизимидаги ислохотларга хорижий сармоя жалб этишни кучайтириш кераклигини уқтирди. Қисқа муддатли эмас, балки камида 7-10 йилга мўлжалланган кредитлар олишга ҳаракат қилиш керак. Бундай маблағлар ўзини оклайди, деди давлатимиз раҳбари.

Мажлисида Бош вазир ўринбосари, агросаноат мажмуи раҳбари Т. Холтоев, Қашқадарё вилояти ҳокими Б. Ҳамидов, Наманган вилояти ҳокими Т. Жабборов, Хоразм вилояти ҳокими И. Божонов ва бошқалар сўзга чиқиб, жойларда ислохотларни чуқурлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва мавжуд муаммолар хусусида сўзладилар.

Мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Оксана ЗАДУНАЙСКАЯ, Анвар КАРИМОВ, ЎЗА мухбирлари.



Тил билган эл билади

Мамлакатимиз ёшларида хорижий тилларни, хусусан инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Зеро, хорижий тиллардан бохабар бўлган йигит-қиз, аввало, чет элларда таълим олиш имкониятига эга бўлади. Бу эса уларга энг янги ахборотлардан хабардор бўлиш имконини беради.

Шу боис, таълим муассасалари бугунги кунда ёшларимизнинг хорижий тилларга бўлган қизиқишини инобатга олган ҳолда чет тилларни ўргатишга янги ёндашишни, ўқитиш услубларини замон талабларига мос равишда олиб бориши зарур. Давлат Тест марказида бўлиб ўтган «Тестларни тузиш ва уларни келгусида такомиллаштиришнинг асосий омиллари» мавзуидаги семинар-тренингда ана шу ҳақда гап борди.

Қайси кўчат яхши?

Дўб, қарағай, каштан, Зарафшон арчаси кўчатларини дўраб келаятганлар кўп.

Мевали дарахт кўчатларига талаб эса негадир камроқ. Юз йиллаб яшнаб ётадиган ўрмонзорлар барпо этиш албатта яхши. Лекин меҳнатнинг мевасидан бола-чақанг, элу юрт баҳраманд бўлганига нима етсин, — дейди Оҳангарон ўрмон хўжалиги директори Анвар Шамсутдинов.

Бу ерда корхона ва хўжаликларга кўчат етказиб бериш ҳар қачонгидан барвақт бошланди. Туман автомобил йўллари бошқармаси уларнинг янги мавсумдаги дастлабки харидори бўлди. Илгари асосан пойтахт вилоятига мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етказиб берган хўжаликка бу йил қўшни вилоятлардан ҳам буюртмалар тушмоқда. Айни пайтда сотиш учун 400 минг дона турли дарахт ниҳоллари ҳозирлаб қўйилган. Харидорлар ёққанини танлаб олиб кетмоқда.

Бугунги сонда:

2-бет Сиз нима дейсиз?
Турли туманлардан келган бир қанча кишилар ўз маҳсулотларини сут сақлаш ва ташиш мумкин бўлмаган идишларда олиб келиб қай бирлари чакана, яна қай бирлари кўтара савдо қилаётган эканлар.

3-бет Нуқтаи назар:
Янги ижтимоий ҳаракатнинг самарадорлиги, йигит-қизлар орасидаги мавқеи кўп жиҳатдан етакчиларнинг укуви, билими, ҳаётий тажрибасига боғлиқ.

6-бет «Мен журналистман»:
Баъзан шахсий архивимдаги фотосуратларни кўздан кечираман. Унда қаймас лаҳзалар бир умрга муҳрланиб қолган. Касбдош дўстларимнинг ҳар бирига узоқ тикилиб қоламан...

7-бет Жаҳон маданияти юлдузлари:
Бу хонанданинг ҳоётда орттирган энг катта бойлиги — бу қўшиқлари. «Арлекино», «Миллион дона алвон гул», «Уч бохтли кун»... Уларнинг сони мингга яқин.

8-бет Буни ҳаёт дейдилар
Солижоннинг илмий иши муҳокамаси зўр баҳоланди. Шу кунининг учун қўшалок байрам бўлди. У ўғил кўрди ва болага ўзи исм қўйди.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Шу йил 15 февраль куни вилоят ИИБ ДАН бошқармасининг мажлислар залида Сирдарё, Тошкент вилоятлари, Тошкент шаҳри ҳамда Республика транспорт тергов бошқарма ва бўлимлари мажмуининг 2000 йил якунлари ҳамда 2001 йилда амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларга бағишланган минтақавий йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда республика Ички ишлар вазирлиги тергов бошқармасига қарашли бошқармалар ва бўлимлар бошлиқлари, Тошкент, Сирдарё вилоятлари, Тошкент шаҳри ҳамда нақлиёт тергов бўлимларининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Йиғилишни республика Ички ишлар вазирлиги тергов бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Алишер Шарофиддинов бошқарди.



Кун тартибидаги масала юзасидан республика ИИБ тергов бошқармаси бошлигининг муовини, милиция подполковниги Маъруф Қамбаров маъруза қилди.

Йиғилишда ўтган 2000 йилда республикадаги барча тергов бошқармалари ҳамда унга тегишли бўлимлар мажмуида белгиланган дастурлар ва тадбирларнинг

Йиғилиш

уқтириб ўтилди.

Кун тартибидаги масалани муҳокама этишда Сирдарё вилояти ИИБ тергов бўлими бошлиғи, милиция полковниги Шухрат Хайруллаев, республика ИИБ транспорт тергов бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция подполковниги Абдурахмон Бахромов, Тошкент шаҳар ИИББ тергов бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги Шухрат Аҳмедов, Тошкент вилояти ИИБ тергов бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Валижон Хўжаев ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Қўрилган масалалар юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.

Аида САИТОВА олган суратлар.

Анжуман

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ БИРГАЛИКДА

Тошкентдаги «Шератон» меҳмонхонасида маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш муаммоларига бағишланган халқаро анжуман ўз иш-ни бошлади.

Мазкур анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари кўмитаси ҳамда Очиқ жамият институти ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Украина давлатларининг экспертлари, Ўзбекистондаги турли вазирлик ва идоралар ҳамда республикада фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этишди.

Тадбир

СОҒЛОМ АВЛОД БОЙЛИГИ

Тошкент шаҳар Тўқимачилик комбинатининг тиббиёт-санитар қисмида Яккасарой туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси «ЭКОСАН» Халқаро жамғармаси билан ҳамкорликда «Экология, саломатлик — соғлом авлод бойлиги» мавзудаги илмий-амалий анжуман ўтказилди.

— Маълумки, 2000 йил мамлакатимизда «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинган эди. Шунга қўра, бутун йил давомида мамлакатимизда инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, турли табиий офатлардан сақланиш йўлида кўпгина тадбирлар амалга оширилди. Орол денгизи қуришининг зарарли таъсирини бартараф этиш, кишилар устига бостириб келаётган қум ва туз ҳавфини камайтириш, Она табиат, об-ҳаво ҳамда сувнинг софлиги учун кураш қабилар шулар жумласига киради, — деди «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси раиси Юсуфжон Шодиметов «Туркистон-пресс» мухбирига.

— «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинган 2001 йилда уларнинг соғлигини сақлаш муаммолари ўтган йилги дастурларнинг узвий давоми сифатида амал қилади.

«Туркистон-пресс».

Оддий иш кунларининг бирида ходимларимиз бироз нориза бўлиб, қўлларидан пачоқланган челақ, бензин ташишга мўлжалланган канистралар, қўл билан ушлашга ҳазар қиладиган даражада ифлосланган флягаларни кўтариб кириб келиб қолишди. Идишлардан бироз қўланса, ачитқиникига ўхшаш ҳид келиб турарди.

Масалага ойдинлик киритилганда, маълум бўлдики, навбатдаги рейд назорати Фарҳод бозорида олиб борилаётганда шундай ҳолат қайд этилган: бозорнинг сут маҳсулотлари сотиладиган жойида Тошкент вилоятининг турли туманларидан келган бир қанча кишилар ўз маҳсулотларини сут сақлаш ва ташиш мумкин бўлмаган идишларда олиб келиб қай бирлари чакана, яна қай бирлари кўтара савдо қиладиган эканлар. Савдо қилувчилар шахсларини аниқловчи ҳужжатларни кўрсатмаганлиги боис уларнинг бир қанча идишлари ветеринария-санитария лабораториясига келтирилган. Айрим сотувчилар бу идишларини олиб қочиб ҳам кетишган. Қолган идиш эгаларига аниқланган камчиликлар учун ҳужжатлар расмийлаштирилаётган вақтда улар норизо бўлиб: «Нега айнан бизга ҳужжат тузасизлар, қолганларга-чи?» деб эътироз билдиришган. Тортишув якун топмагач, раҳбарингизга борамиз, деб кириб келишган экан.

Сут ва сут маҳсулотларидан биров хасталанибдими, дерсиз. Шунини маълум этмоқчимизки, аввало куйдирги, қутириш ва бруцеллез каби эпизоотик юқумли хасталиклар бугун мутахассисларни ташвишга солапти. Бундан ташқари охириги вақтларда жарроҳларнинг бераётган маълумотларига қараганда айнан қорамоллар маҳсулотларидан юқадиган эхинококкоз билан жигар хасталигига учраганлар кўпайиб қайд этилмоқда. Бунга қоидабузарлик ҳам кўп

ҳолларда сабаб бўляпти.

Юқорида тилга олганимиз Давлат санитария эпидемиология назорати хизмати амалиётида тез-тез учраб туриши сабаб мутахассис сифатида ўз фикримни баён этгим келди.

Хузуримга устбоши башанг 25 ёшлардаги аёл ва

ЖАРИМАНИ-КУ ТУЛАРСИЗ...

яна бир йигит кириб келди. Улар ҳалиги идишларнинг эгаси эканликлари, бири — Оққўрғон тумани «Оққўрғон» жамоа хўжалиги, Молодёжий кўчаси, 1-уйда яшовчи Сандугаш Саурбоева экани, уйларида 4та сигирлари борлиги, отаси Ш. Саурбоев шу жамоа хўжалигидаги чорвачилик фермасида ветеринария мутахассиси эканлиги маълум бўлди. Уларнинг идишлари жарима ундирилгач, бундай қилмаслик тўғрисидаги ёзма қафолатлари олингандан кейин, қайтариб берилди.

Бу ва шунга ўхшаш кўнгилсизликлар наинки Оққўрғон туманидагилар, қолаверса, Янгийўл, Чиноз, Зангиота, Тошкент ва бўлак туманлардан келаётганлар орасида ҳам содир бўлиб

туради. Қизиги, сутчилар бозорларда махсус сут ва сут маҳсулотлари сотиладиган жой ажратилган бўлса-



да, оёқ остида чанг, тупроқ, лой жойларда савдо қилишни афзал кўришади. Бевожита мулоқот вақтида, яна бозор радиоузели орқали бир неча бор огоҳлантирилсада, бундай ҳолатлар барҳам топмаган.

Яна таъсир этадиган жойи: ҳар галги назорат вақтида, нега бундай қиласиз, деган саволга худди биринчи бор бўлаётгандек: «Мен билмадим, менга ҳеч ким тушунтирмади, ҳозир кетаман», деб жавоб беришади-да, орадан ярим соат ўтгач, яна шу ишни давом эттираверишади. Бундан ҳам ажабланарлиси харидорлар, баъзида бозорни назорат қилиш учун келган айрим назоратчилар ҳам «бу СЭС дегани қаерга қарайди», деган эътироз ҳам билдиришади. Аввало Давлат са-

нитария эпидемиология назорати текшириш ҳуқуқига эга бўлган органлар гуруҳига мансуб бўлиб, ўз ишини мувофиқлаштириш кенгаши рухсати билангина олиб боради.

Энди масаланинг расмий томонига келсак. Истеъмолчилар ҳуқуқини муҳофаза этиш тўғрисидаги қонун талаблари бузилганлиги юқоридаги ҳолатлар қайд этилганда, уларга нисбатан маъмурий жавобгарлик кодексининг 53 ёки 54-моддалари билан жарима солиш масаласи қўйилганда, доим: «Болаларим бор, ўзимиз зўрға кун кўряпмиз, бу галча кечиринг», деган турли вақтлар билдирилади. Одамгарчилик юзасидан шундай ҳам бўлсин,

аммо бу ишни қиладиганлар озайиш ўрнига кўпаяётганига сабаб шу эмасмикин? Айнан шу келтирилган фактлар бўйича жарима солиш тўғрисидаги қарор ёзилди, имзоланди, ҳатто бу тўғрида газетада мақола ёзиш ниятимиз борлиги тўғрисида маълум қилганимизда, «бизнинг тўғримида ёзманг, ҳеч бўлмаса фамилиямизни кўрсатманг», деб илтимос ҳам қилишди.

Бизни ўйлантирадиган нарса — шу билан ҳеч бўлмаса Фарҳод бозорида бу бетартибликка барҳам берилишига ўзимизнинг ҳам ишончимизни қўйиб эмас. Бас, шундай экан нима қилиш керак? Сиз нима дейсиз, азиз муштарийлар?!

Абдуҳаким САРИМСОҚОВ, Акмал Икромов туман Бош Давлат санитария врачлари.

Мулохазалар, таклифлар, истаклар

ЕТАКЧИ БИЛИМЛИ, ЁШЛАР ҚАЛБИГА КИРА ОЛАДИГАН БЎЛСИН

ТАШАББУС – ТАЛАБАДАН

– Чунки, ҳозирги босқичда мамлакатимизда ёшлар ижтимоий ҳаракати доирасида, бевосита унинг иштирокида ҳал қилинадиган вазифалар, долзарб масалалар талайгина, – сўзини давом эттирди Ҳасанбой. Президентимиз ташаббус гуруҳи билан учрашувда уларни алоҳида-алоҳида кўрсатиб бердилар. Жамғармада ишлаган қисқа давр мисолида шуни айта оламани, яхши ниятлар билан таъсис этилган бу жамоа ташкилот аввал бошдан тўрачилик, сансалорлик, юзакичилик гирдобиди қолди. Янги ижтимоий ҳаракат жонли, кўламли, ҳар бир қадами амалий бўлиши керак. Фақат номнинг ўзгариши билан иш юришиб кетади, деб ўйлаш ҳомхаёлликдан бошқа нарса эмас.

Ҳозирча турли даражадаги ёшлар йиғилишларида таъсисчиларга урғу берилляпти. Истардимки, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳар қандай таъсисчилардан ҳоли бўлса. Чунки, бу йўл ёшларнинг мустақил ижтимоий ҳаракати турли таъсирларга тушиб қолишига олиб келади. Биз асл ватанпарварларни, мамлакат келажагининг собит бунёдкорларини тарбияламоқчимиз. Шундай экан, бу вазифани амалга оширувчи ижтимоий ҳаракат ҳар қандай таъсирлар, демакки, манфаатлардан ҳоли бўлсин.

«Камолот»чилар етакчиларининг хусусиятлари ҳақида кўп гапирилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, янги ижтимоий ҳаракатнинг самарадорлиги, йигит-қизлар орасидаги мавқеи кўп жиҳатдан уларнинг ўқуви, би-

дейди Зангиота туман «Камолот» ёшлар жамғармасининг раиси **Ҳасанбой САФАРОВ**

лими, ҳаётий тажрибасига боғлиқ. Лекин, ҳақиқий етакчи учун булар ҳам кам. Етакчи, аввало, йигит-қизлар қалбига йўл топа оладиган, уларнинг интилишлари ва иштиёқларига ҳамнафас бўлиб, орзумидларини рўёбга чиқара биладиган бўлиши керак.

Бугун туманимизда шундай қобилиятли ёш ташкилотчилар кўп. Масалан, тенгдошимиз Маҳмадҷон Раҳимбердиевни олиб кўрайлик. Туманимизнинг турли қишлоқларида 3000дан зиёд хусусий корхона эгалари, якка тадбиркорлар бор. Бу ёшларнинг бошини қовуштириш, ялпи товар маҳсулотни ҳажмида кичик, ўрта ва хусусий бизнес намоёндалари хиссасини кўпайтириш энгил-елпи иш эмас. Муҳаммадҷон шу мураккаб юмушни уддалаяпти.

Ёшлар катта ишонч билдириб, ўз етакчиларини товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар туман палатаси раислигига сайлашди. Эндиликда у ёш ишбилармонлар манфаатларини, ҳақ-ҳуқуқла-

рини ўз ташкилоти ваколати доирасида қаттиқ туриб химоя қилмоқда.

Алибек Илҳомбеков-чи? Навоий номли жамоа хўжалигида жонқуяр бу йигитни ҳамма танийди, катта-кичик ҳурмат қилади. У Ўзгариш қишлоғи маҳаллаларида ёшлар билан ишлаш, уларни спорт машғулотларига жалб қилиш, айниқса, футбол жамоаси аъзоларининг маҳоратини оширишда алоҳида ташаббускорлик кўрсатмоқда. Бугун Ўзгариш ёшлари маънавий-маърифий ҳаёт ва спортда салмоқли ўрин тутаётган эканлар, бунда ёшлар етакчисининг роли катта бўлаяпти.

Сир эмас, қишлоқларда юзлаб хусусий машина эгалари бор. Уларнинг аксарияти ёшлар. Иброҳим Ҳамидуллаев шу йигитларни уюштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу жараёнда унинг ажойиб ташкилотчилик қобилиятлари кўринди-қолди. Қисқа муддатда икки юзга яқин ҳайдовчи ўз шахсий

транспорт воситаси билан шу ассоциацияга бирлашди. Энди Алишер Асқаров, Миръазам Ибодов, Равшан Ҳусанов, Эргаш Тожибоев сингари ўнлаб ёшлар муқим иш жойига эга бўлишди.

Биз бугун ёшларнинг ижтимоий ҳаракатини шакллантираётимиз. Унинг йўналишларини аниқ белгилаб олиш шу босқичдаги муҳим вазифа эканлигини асло унутмаслигимиз лозим. Маълумки, ёшлар ҳаётини ташкил этишда муаммолар оз эмас. Уларни ким қандай омилларни ишга солиб ҳал этажанини аниқ белгилаб қўймоқ лозим.

Чунончи, ишсизлик муаммоси ҳийла долзарб тус олди. Ҳар йили туманимиз мактабларини деярли икки минг йигит-қиз битириб чиқаяпти. Уларнинг айримлари ҳарбий хизматга тайёр эмас. Бошқа жиҳатдан бирор касб-хунари ҳам йўқ. Хўш, улар ҳаётдан ўз мустақил ўринларини қандай қилиб топишади.

Бошқа бир йўналиш – «Камолот»нинг ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олишдаги роли. Маънавиятни бойитиб, ҳуқуқий билимни оширибгина бу борада бирор натижага эришиш мумкин. Шунинг назарда тутиб, биз мактаб ўқувчиларининг «Сиз тарихни биласизми?» ёки «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловларини ўтказмоқдамиз.

Шубҳа йўқки, ёшларни янги ижтимоий ҳаракатга уюштириш Ватанин севувчи, қадриятларни қадрловчи, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувда ёшларнинг муаммолари, мақсадлари, режалари асосида бу ҳаракатни ташкил этиш лозимлиги ва энг асосийси, бу ҳаракат ватанпарварлик, умуминсонийлик аъналарига таяниб, «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» шiori остида фаолият кўрсатиши таъкидлаб ўтилди.

Биз ёшлар онгига, тафаккури ва дунёқарашига эътиборни кўпроқ қаратишимиз керак. Ҳозирги кун ёшлари асосан нима билан шуғулланапти, ўз муаммоларини қандай ҳал қиляпти? Ватан мустақиллигини мустаҳкамлашга нима беряпти? Бу каби саволларга жавоб топиш бизнинг энг олий мақсадимиз бўлмоғи керак.

Дилбар ҚЎЗИЕВА,
Ангрен шаҳридаги педагогика коллежи талабаси.

БУ «КАМОЛОТ» ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Ҳозирда янги йўналишга солинган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳақида бирор фикр билдиришдан аввал, олдинги жамғарма фаолиятига кўз ташлаш, таҳлил этиш зарур, токи янги танланган йўлда илгари йўл қўйилган хатоларга бошқа қайтилмасан.

Бу ташкилот ёшларнинг демократик тушунчаларини ўзида чуқурроқ сингдириши, улар орасида кенг миқёсдаги тарғиботни кучайтириши, қандай йўналишда бўлишидан қатъий назар гуруҳ манфаатларидан келиб чиқиб иш кўриши керак.

Ёшларнинг қизиқишларини ўрганиши, улар назарига тушиши, хоҳиш-иродаларини тадқиқ этиши ва шу асосда фаолият юритиши мақсадга мувофиқдир.

Дилмурод АБДУРАҲИМОВ,
ЎЗМУ талабаси.



ИНСОН - ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Бугун биз яхши ният ва орзу ўйлар билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини ташкил этаяпмиз. Хўш, бу ҳаракатдан нимани талаб қилишга ҳақлимизу, унга қай бир фаолиятимиз билан ёрдам беришимиз мумкин? Менимча ўзбекистонлик ёшлар фикран бир-бирини тушунмоғи ва ўзаро бирлашмоғи ҳамда бир жону бир тан бўлиб ҳаракат қилмоғи лозим.

Мен қуйидаги ғоя ва қарашни ёшлар онгига сингдиришни истардим.

Мамлакатимиз Конституциясининг 13-моддасида «Инсон олий қадриятдир» деган сўзлар ёзилган. Ана шу ғоя ва тушунчани ҳаракатнинг дастур ва низомига киритиб, уни ёшлар онгига етказмоқ даркор.

Инсон дунёда қадр-қиммати, гурурини билиб яшамоғи ва доимо ўз шаънига

доғ тушишидан ўзини асрамоғи керак. Айниқса, бу гаплар бугунги кунда ёшларимизга кўпроқ тааллуқлидир. Нима учун айнан ёшларга? Чунки, бугун атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисалар ана шундай хулосага келишга мажбур этмоқда.

Ҳали ўз фикри, ўз қарашига эга бўлмаган ёшларимиз, кимларнингдир ёлғон ваъдалари-ю бир кафт кепак

пулига алданиб, турли оқим ва гуруҳларга қўшилиб кетаётгани ва тузлиғига тупуриб, ўз Ватанига қўл кўтарётганини қандай баҳолаш мумкин? Ахир шу эмасми айрим ёшларимизни ўз қадр-қимматларини билмаганлари ва улар учун юртимизда очилган имконият йўллари қадрламаганлари?

Шунинг учун ҳам, авваламбор улар онгига «Тинчлик маданияти» ғоясини, қолаверса, қадр-қиммат тушунчаларини сингдирмоғимиз шарт. Бугунги кунда воқеликни теран нигоҳ, тафаккур билан англаб, юртимиз тинчлиги, ўз фаровон ҳаётимизни қадрламас эканмиз, қилаётган уринишларимиз айим ёшлар учун зое кетиши мумкин.

Раъно ТЎРАБОЕВА,
Тошкент Давлат Аграр университети фалсафа факультети «Фалсафа ва ҳуқуқ» кафедрасининг катта ўқитувчиси.

ҲЕЧ КИМ НАЗАРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАСИН

Ҳеч кимга сир эмаски, жазо муддатини ўтаб қайтган шахсни, у қайси тоифадан бўлишидан қатъий назар, кишилар, ҳатто жамоатчилик ҳуш-лаб кутиб олмайди.

Бу эса уларнинг айримлари яна жиноят кўчасига қайтиб киришларига сабаб бўлади. Билиб-билмай, қилаётган ишларини тушуниб-тушунмай жиноят кўчасига кириб қолган ёшларимиз ҳам, жамиятда ўзларига нисбатан бўлаётган бундай муносабатни кўриб, яна жиноят эшигини қайта очмайди, деб ким кафолат бера олади?

Бугун режаларни катта қилиб, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати

тини ташкил этаётган эканмиз, тасодифан жиноят содир этиб, жазони ўтаб, яхши ўй-ниятлар билан оиласи бағрига қайтган ёшлар ҳам назардан четда қолмасин. Уларни ҳаётда яна ўз йўллари-ни топишларида ҳам ёшлар ижтимоий ҳаракати мададкор бўлмоғи ва ҳар ким бу ҳаётда ўз ўрнини топиб олмоғига ишонтирмоғи лозим.

Акромжон ТОИРОВ,
Бекобод тумани «Камолот» жамғармаси раиси.

Dushanba 19

«Ўзбекистон» телеканал
Телетомошбинлар диққатига!
 Профилактика муносабати билан Душанба, 19 феврал «Ўзбекистон - 1» телеканал кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.

15.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
 15.25 ТВ - 1 намойиш этади.
 15.40 Кундузги сеанс. «Сирли шарча». Бадий фильм.
 16.45 «Наво таралсин». Мусикий дастур.
 17.00 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига** «Биз билган, билмаган тарих».

17.30 Экранда - телесериал. «Индаба».
 17.55 ТВ - маркет.
 18.00 Янгиликлар.
 18.10 Болалар учун. «Бинафша».
 18.30 Мусикий альбом.
 18.35 «Тафсилот».
 18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
 19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.40, 22.35 Эълонлар.
 19.30 «Ахборот» (рус тилида)
 20.00 Оқшом эртақлари.
 20.15 «Биржа ва банк хабарлари».
 20.30 «Ахборот».
 21.05 «Қалбингиз кўшиққа тўлсин». Мусикий дастур.
«Спорт» дастури:
 21.45 «Ким аслида ким?»
 22.15 «Миллионлар ўйини».

22.40 «Маънавият» дастури.
 23.35 «Ахборот».
 00.10 Тунги сеанс: «Плюшчидаги «Уч терак» қахвахонаси». Бадий фильм.
 1.25-1.30 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал
 8.55 Кўрсатувлар дастури.
 9.00 «Давр тонги».
 10.00 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчилу, ким чаққон?»
 10.25 «Бир том остида». Мультфильм.
 10.40 «Саломатлик сирлари».
 11.00 «Давр» ҳафта ичида.
 11.40, 12.15, 16.20 «Мусикий лаҳзалар».
 11.50 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 32-қисм.
 12.25 «Манзур».
 12.45 «Тақдир».
 Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусикий театрининг спектакли.

13.35 «Ёшлар овози».
 13.55 «Тақдир».
 Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусикий театрининг спектакли (давоми)
 15.30 «Жаҳон жуғрофияси»: «Оловдан бино бўлган».
 16.30 «Спорт ҳафтанома».
 16.45 «Хива». Манзарали фильм.
 16.55 «Соҳибқирон ёди». Мусикий дастур.
 17.05 Кўрсатувлар дастури.
 17.10 «Янги авлод» почтаси, «Шум болалар».
 17.45 Мультфильм.
 18.05 «Ўзбегим кураши». Осиё чемпионати ҳақида.
 18.25 «Эрта сўнган юлдузлар».
 18.45 «Оқшом наволари».
 18.55, 21.55 «Иқлим».
 19.00 «Давр». Ахборот дастури.
 19.30 ТВ-анонс ва

Эколаш.
 19.35 «Ҳандалак». Ҳажвий тележурнал.
 19.55 «Мусикий лаҳзалар».
 20.05 «Ёшлар овози».
 20.25, 21.25, 22.30 Эълонлар.
 20.30 «Жан Кристоф». Телесериал.
 21.30 «Бир пиёла чой устида».
 21.50 «Олтин мерос».
 22.00 «Давр». Ахборот дастури.
 22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.
 22.35 «Даллас». Телесериал.
 23.20 «Давр». Ахборот дастури.
 22.35 «Ёшлар» телеканалда спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
 1.05-1.10 «Хайрли тун!»
«Тошкент» телеканал
 18.00 Кўрсатувлар тартиби.
 18.05 Мультфильм.
 18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун».

18.30, 20.00, 21.30, 23.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.
 18.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
 19.35 «Эҳтиром ила».
 20.25 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
 21.10, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.
 21.55 «Авто-news».
 22.30 ТТВда сериал: «Ўғрини ушла». 6-қисм.
 23.35 Оҳанглар ва эълонлар.
 23.40 Кинонигоҳ. «Рим империясининг емирилиши». 1-қисм.
 1.05-1.10 «Хайрли тун, шахрим!»
«Халқаро» телеканал
 15.00-16.00 **TURKIYA TELEVIDENIYESI**
 16.00 Кўрсатувлар тартиби.
 16.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
 16.15

«Мультчархпалак».
 16.30 «Вести».
 17.00 «Кутлуг бахт тилаги-2». Сериал.
 17.50 «Контакт».
 18.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
 18.15 CFI тақдим этади: «Байрамлар юрти».
 18.40 «Клип-антракт».
 *
 18.45 «Мени кутгил».
 19.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеуён.
 20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
 21.00 «Время».
 *
 21.50 «Бизнес-ревю».
 22.15 «ТВ-4 да Немис тўлкини».
 22.35 «Россия эстрада юлдузлари: София Ротару». Концерт дастури.
 22.55 Кинематограф. «Қашшоқлик гувоҳи». Бадий фильм.
 24.00 «Ахборот» (рус тилида)
 00.25 «Тунингиз осуда бўлсин».

Seshanba 20

«Ўзбекистон» телеканал
 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
 8.00-8.35 «Ахборот».
 *
 8.35, 17.55 ТВ-маркет.
 8.40 Газеталар шарҳи.
 8.55 «Муҳаббат соғинчи». Мусикий дастур.
 9.15, 12.25 ТВ-метео.
 9.20 Улуг аждодларимизга эҳтиром. «Ал-Фарғоний». Хужжатли фильм («Ўзқинокхроника»)»
 9.40 «Миллионлар ўйини».
 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
 10.05 ТВ-1 кинотеатри. «Табар кўкка йўл олади». Бадий фильм.
 11.35 Болалар учун. «Ҳикматлар хазинаси».

19.30 «Ахборот» (рус тилида)
 20.00 Оқшом эртақлари.
 20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (Инглиз тилида)
 20.30 «Ахборот».
 21.05 Навойихонлик.
 21.25 «Келин - қув».
 Телешоу.
 22.40 «Саҳна ҳаёти» дастури.
 23.05 «Ахборот».
 23.40 Тунги сеанс: «Авлиё Лука»нинг қайтиши». Бадий фильм.
 1.10-1.15 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал
 8.55 Кўрсатувлар дастури.
 9.00 «Давр». Ахборот дастури.
 9.15 «Янги авлод» почтаси, «Шум болалар».
 9.45 «Саломат бўлинг».
 10.05 «Она билан бола - гул билан лола». Мусикий дастур.
 10.20 «Даллас». Теле-

сериал.
 11.05 «Ёшлар овози».
 11.25, 14.30, 16.55 «Мусикий лаҳзалар».
 11.30 Болалар экран. «Золушка учун уч ёнғоқ».
 12.55 «Ёшлар» телеканалда спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
 14.35 «Жан Кристоф». Телесериал.
 15.30 «Баҳс».
 15.50 «Колонна». Бадий фильм. 1-қисм.
 17.00 Кўрсатувлар дастури.
 17.05 «Янги авлод» студияси: «Билагон маслаҳати».
 17.25 Мультфильм.
 17.35 «Таянч».
 17.50 «Ҳазил соғинчи».
 18.10 «Минг бир маслаҳат».
 18.30 «Авторейд».
 18.45 «Оқшом наволари».
 18.55, 21.55 «Иқлим».
 19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
 19.35 «Давр»-интервью.
 19.50 «Биринчи мўжиза».
 20.10 «Ёшлар овози».
 20.25, 21.25, 22.30 Эълонлар.
 20.30 «Жан Кристоф». Телесериал.
 21.30 «Марду майдон».
 21.50 «Олтин мерос».
 22.00 «Давр». Ахборот дастури.
 22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.
 22.35 «Даллас». Телесериал.
 23.20 «Давр». Ахборот дастури.
 23.35 «Ёшлар» телеканалда спорт: Снукер бўйича жаҳон чемпионати.
 0.15-0.20 «Хайрли тун».
«Тошкент» телеканал
 18.00 Кўрсатувлар тартиби.
 18.05 «ТВ плюс».
 18.30, 20.00, 21.30, 23.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.

18.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
 19.35 «Эҳтиром ила».
 20.25 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
 21.10, 22.25 «Экспресс» телегазетаси.
 21.55 «Дорихона эшитида».
 22.45 ТТВда сериал: «Ўғрини ушла». 7-қисм.
 24.00 Оҳанглар ва эълонлар.
 00.05 Кинонигоҳ. «Рим Империясининг емирилиши». 2-қисм.
 1.35-1.40 «Хайрли тун, шахрим!»
«Халқаро» телеканал
 РЖТ 7.00-9.00
 15.00-16.00 **TURKIYA TELEVIDENIYESI**
 16.00 Кўрсатувлар тартиби.
 16.05 «Мультчархпалак».
 16.25 «Клип-антракт».
 16.30 «Вести».
 17.00 «Кутлуг бахт

тилаги-2». Сериал.
 17.50 «Америкага назар».
 18.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
 *
 18.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
 *
 18.45 «Махфий хужжатлар» (X-files) Сериал.
 20.20 «Ўз-ўзига режиссёр».
 *
 20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
 21.00 «Время».
 *
 21.50 «Бизнес-ревю».
 21.55 «Россия эстрадаси юлдузлари»: «Койилмақом унли». Концерт дастури.
 22.40 Кинематограф. «Доктор ва унинг ҳамширалари». Бадий фильм.
 00.25 «Ахборот» (рус тилида)
 00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Chorshanba 21

«Ўзбекистон» телеканал
 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
 8.00-8.35 «Ахборот».
 *
 8.35, 17.55 ТВ-маркет.
 8.40 Газеталар шарҳи.
 8.55 «Созим — ҳамрозим». Мусикий дастур.
 9.15, 12.20 ТВ-метео.
 9.20 «Санъат олами».
 9.40 «Ўзбектеелефильм» намойиши: «Бухоро — хунармандлар шаҳри».
 9.50 «Тиббиёт одимлари».
 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
 10.05 «Ватанпарвар».
 10.25 ТВ - 1 кинотеатри. «Пиллигрим» кемасининг капитани». Бадий фильм.
 11.55 ТВ - клип.
 12.05 «Камолот сари».
 12.25 «Ишқ — сирли

тилида)
 20.00 Оқшом эртақлари.
 20.15 «Юзма - юз».
 20.30 «Ахборот».
 21.05 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига** «Янги тароналар». Миллий эстрада кўшиқ ва куйлари Республика. кўрик - танлови. 1-босқич.
«Умид» намойиш этади:
 22.00 «Замонамизнинг ёш қаҳрамони».
 22.10 «Сени шарафлайман, Озодлик!»
 22.20 «Энг гуллаган ёшлик чоғимда».
 22.40 «Олам». Телеальманах.
 23.15 «Ахборот».
 23.50 Тунги сеанс: «Эгнар чашмаси». Бадий фильм.
 1.15 - 1.20 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
 8.55 Кўрсатувлар дастури.
 9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Янги авлод» студияси: «Билагон маслаҳати».
 9.35 Мультфильм.
 9.45 «Бизнес-академия».
 10.00 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 33-қисм.
 10.25 «Давр» - интервью.
 10.40, 11.55 «Мусикий лаҳзалар».
 10.50 «Ёшлар овози».
 11.10 «Даллас». Телесериал.
 12.05 Болалар экран. «Мафусаил».
 13.55 «Биринчи мўжиза».
 14.15 «Жан Кристоф». Телесериал.
 15.10 «Ҳазил соғинчи».
 15.30 «Таянч».
 15.45 «Колонна».
 16.50 «Авторейд».
 17.05 «Жараён».

18.00 «Мени тушун...» Телеуён.
 18.25 «Бугуннинг ёшлари».
 18.45 «Оқшом наволари».
 18.55, 21.55 «Иқлим».
 19.00 «Давр». Ахборот дастури.
 19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
 19.35 «Ракурс».
 19.55, 20.35, 22.30 Эълонлар.
 20.00 «Спорт-лото».
 20.10 «Очил дастурхон».
 20.25 «Муҳаббат кўшиқлари».
 20.40 «Учинчи сайёра» маърифий дастури: «Ерга ташриф».
 21.30 «Сийрат».
 21.50 «Олтин мерос».
 22.00 «Давр». Ахборот дастури.
 22.30 «Каталог».
 22.40 Тунги тароналар ва Эколаш.
 22.45 «Даллас». Телесериал.
 23.30 «Давр». Ахборот дастури.
 23.45 «Ёшлар» телеканалда спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси.
 1.15-1.20 «Хайрли тун».

«Тошкент» телеканал
 18.00 Кўрсатувлар тартиби.
 18.05 Мультфильм.
 18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун».
 18.30, 20.00, 21.30, 23.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.
 18.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
 19.35 «Эҳтиром ила».
 20.25 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
 21.10, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.
 21.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
 22.35 ТТВда сериал: «Ўғрини ушла». 8-қисм.
 23.50 Оҳанглар ва эълонлар.
 23.55 Кинонигоҳ. «Фирибгарлар найранги».
 1.35-1.40 «Хайрли тун, шахрим!»
«Халқаро» телеканал
 РЖТ 7.00-9.00
 15.00-16.00 **TURKIYA TELEVIDENIYESI**
 16.00 Кўрсатувлар тартиби.

16.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
 16.15 «Мультчархпалак».
 16.30 «Вести».
 17.00 «Кутлуг бахт тилаги-2». Сериал.
 17.50 «Британия кундалиги».
 18.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
 *
 18.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
 *
 18.45 «Клип-антракт».
 *
 18.55 «Инсон ва қонун».
 19.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеуён.
 20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
 21.00 «Время».
 *
 21.50 «Бизнес-ревю».
 22.15 «Х-спорт».
 22.35 Кинематограф. «Филадельфия тажрибаси». Бадий фильм.
 00.10 «Ахборот» (рус тилида)
 00.35 «Тунингиз осуда бўлсин».

Panjanba 22

«Ўзбекистон» телеканал
 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
 8.00-8.35 «Ахборот».
 *
 8.35, 17.55 ТВ-маркет.
 8.40 Газеталар шарҳи.
 8.55 «Мусиқа ва

10.05 «Талаб ва тақдир».
 10.15 ТВ-1 кинотеатри. «Зўр ўтирибмиз». Бадий фильм.
 11.30 «Йил мактаби». Республика кўрик-танлови.
 11.55. 13.55 ТВ-анонс.
 12.05 «Қалб сайёраси».
 12.30 Жаҳон адабиёти дурдоналари. А. П. Чехов. «Қийишқ ойна». Теленвелла.
 13.20 «Олам». Телеальманах.

14.10 «Куйла, ёшлигим». Мусикий дастур.
 14.45 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
 15.00 «Бинокор».
 15.15 Кундузги сеанс.
 «Қора қисқичбақа чанғалида». Бадий фильм.
 16.45 «Ўзбекистон бастакорлари». Ф. Олимов.
 17.05 Экранда — телесериал. «Индаба».

17.30 «Етти иклим садоси». Халқаро шарҳ.
 17.45 «Шеър ва шуур».
 18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
 18.30 «Ҳамкорлик ришталари».
 18.45 «Офарин» кўрик - танлови олдидан.
 18.55 «Барқамол авлод орзуси».
 19.10 «Ватан мадҳи». Мусикий дастур.
 19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.40, 22.25

Эълонлар
 19.30 «Ахборот» (рус тилида)
 20.00 Оқшом эртақлари.
 20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
 20.30 «Ахборот».
 21.05 «Миллий манфат».
 21.45 «Олам кўшиққа тўлсин». Мусикий дастур.
 22.30 «Сийрат».
 23.20 «Ахборот».

23.55 Тунги сеанс: «Бу ранг-баранг олам». Бадий фильм.
 1.00-1.05 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
 8.55 Кўрсатувлар дастури.
 9.00 «Давр». Ахборот дастури.
 9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
 9.35, 11.15, 13.35 Мусикий лаҳзалар.

Table with 4 columns and 2 rows. Contains TV schedule for Friday (JUMA) with times and program titles in Uzbek.

Table with 4 columns and 2 rows. Contains TV schedule for Saturday (SHANBA) with times and program titles in Uzbek.

Table with 4 columns and 2 rows. Contains TV schedule for Sunday (YAKSHANBA) with times and program titles in Uzbek.

Table with 4 columns and 2 rows. Contains TV schedule for Monday (DUSHANBA) with times and program titles in Uzbek.

КЎЗ ОЧИБ КЎРГАНИМ

Шундай қилиб десангиз, ҳали диплом қўлга тегмасданок, 1954 йилнинг 1 апрелидан бошлаб мен шу қутлуг даргоҳ жамоасининг тўлақонли аъзоси бўлиб қолдим. Бош муҳаррирнинг багрикенг раҳбар, инсонпарвар киши эканлигига тан берганим ўшанда.

Жамоада номлари тилга тушган Аъзам Мирбобоев, шоир Назармат, Шобарот Кузанбоев, Мавлон Икром, Санжар Тилла каби қаламкашлар бор эди. Мен Аъзам ака бошлиқ бўлган саноят ва транспорт бўлимида иш бошладим. Кўп ўтмай, бўлим мудиримизни тахририятнинг масъул котиби этиб тайинлашди. Менга эса, шу бўлим мудирлигини тақлиф этишди. Иш бошлаганимга эндигина бир неча ой бўлганди. Ҳам хижолат бўлдим, ҳам ҳаяжонланардим. Тўғри-да, ҳали менда тажриба йўқ, ярқ этган бир-икки мақола ёзишга улгурмаган бўлсам...

қандай бўларкин.
Яна Зиёд ака далда берди.
— Ёшсан, кучинг бор, гайратинг бор, эплаб кетасан, ёрдам берамиз, — деди у ўзига хос тантилик билан.

Шундай қилиб десангиз, тенгқурларим мени «мудир» деб чақира бошлашди. Гап шундаки, тахририятда университетда бирга таҳсил олган ҳамкурсларимдан Маҳмуд Яҳёев, Тўлаған Назмидинов, Зокир Исроилов, Нафиса Зиямуҳамедова, Зарифа Эшонхоновалар ҳам бирга фаолият кўрсатишарди.

Кекса авлод, агар уларни шундай деб атаб бўлса, бизларни худди ўз туғишганларидек, қайноқ бағрига олди. Хато ва камчиликларимиздан кўпинча

(Давоми. Боши газетамизнинг 10 февраль сонига).

кўз юмишди, сезсалар ҳам сезмасликка олишди ўзларини, билмаганларимизни кунт, чидам билан ўргатишди, пашшадек ютугимизни филдек қилиб кўрсатишди, ижод бобида янада ишонч билан, дадилроқ бўлишга, мақсадни, ниятни каттароқ олишга, интилишни шунга яраша қилишга, чўчимаслик, иккиланмасликка ҳар кун, ҳар соат ундаб туришди. Бундай зотларни унутиб бўладими? Йўқ, асло!

Инжиқ, ниҳоятда мураккаб касбнинг сўқмоқларидан бизни авайлаб етаклаган ўшалар. Ўша багрикенг, қалби меҳрга лиммолим зотлар туфайли газетачилик деб аталмиш жабҳанинг хийла катта йўлига чиқиб олганмиз.

Ижодий фаолиятим сенинг қайта туғилган ёшинг ила тенгдир, азизим «Тошкент ҳақиқати»! Бундан фахрланаман. Биринчи ҳақиқий ижод бўстонида турфа гулларни сенинг бағрингга тердим, лаззат олдим, ҳузурландим. Биринчи ҳақиқий дорилфунуним сенсан. Устозим, мураббийим, сенинг ўзинг. Шу қадар азизсан, билсанг, сен мен учун.

Баъзан шахсий архивимдаги фотосуратларни кўздан кечиранман. Унда ўша, қайтмас лаҳзалар бир умрга муҳрланиб қолган. Касбдош дўстларимнинг ҳар бирига узоқ-узоқ тикилиб қоламан. Вужудимда чумоли ўрмалагандек бўлади. Ҳаёт шундай экан-да. Ҳеч бир зот бу дунёга устун бўлмас экан. Кўнгил алланечук бўлиб кетади. Яна ўзимга тасалли бери

раман — ахир улар дунёга шунчаки келиб кетмадилар-ку. Ҳаёлимдан худди кинолавҳаларидек бир-бир ўтаверадилар. Ана, Аъзам акамиз, йўлакда одатдагидек тез-тез юриб келмоқда. Қачон қараманг, шошиб турган бўларди. У киши менинг биринчи устозим. Ҳали талаба йилларимдаёқ «Қизил Ўзбекистон» газета тахририятига келганимизда, у киши саноят ва транспорт бўлимининг мудури эдилар. Тажриба ўрганиш, малака орттириш, биринчи сабоқни шу содда, самимий киши қўлида олганман. Хабар ва мақолаларни жуда тез тахрир қилардилар. Ўзгартирилган битта-иккита сўз жумла чиройини бутунлай очиб юборарди. Ҳаяжон ва ҳавас билан кўзатдик у кишининг ишларини.

Усмон Жонгитов. Қандай қилиб унутиш мумкин бу ижодкорни. Шоир эди. Воқеа-ҳадислардан тез таъсирланарди, ҳаяжонланиб кетарди. Унда артистлик қобилияти ҳам бор эди. Баъзан газетанинг навбатдаги сони режалаштириляётган пайтда адабиёт бўлими шеър тавсия этарди. Шунда муҳарриримиз:

— Яхши ёзилганми? — деб сўраб қоларди. — Қани ўқингларчи.

Бўлим мудури шеърни Усмон акага узатарди.
— Йўқ, у ўқимасин, — дерди Зиёд ака, — мундайроқ шеърни ҳам қотириб ўқийди, биз алданиб қолишимиз ҳам мумкин.

Ҳақиқатдан ҳам унинг маҳорати бор эди бу бобда. Бирор ўтришимиз, биргаликда ўтказилган йиғинларимиз, тўйларимиз йўқ эдики, унда Жонгитовдан ўзининг «Фарзанд» деган шеърини ўқиб

беришини сўрамасак. Ўртага тушарди. Унинг келишган, басавлат вужуди ўзига жуда ярашган эди. Одатда бироз хаёли суриб турарди, чамаси ўша қиёфага кирарди, сўнг ҳақиқий эркакларга хос овоз билан, ҳар сўзни чертиб, айтиляётган жумла ва сўзнинг моҳиятига монанд овоз билан ўқишга киришарди. Ургу бериладиган жойларини қотириб ташларди, ҳар бир сўзи юракка этиб борарди. Уни ҳамиша завқ ва ҳаяжон билан тинглардик.

Забони ширин эди унинг. Ёзганлари бошқаларникидан ажралиб турарди, шираси бўларди, ўхшатишларни топиб ишларди, лавҳаларда киши дилига ҳам, кўзига ҳам хуш ёқаганимиз бўёкларни шундай усталик билан ишларди-ки, қойил қолмасдан илложингиз йўқ эди.

Босит Халилов. Жамоа орасида ёши хийла улуглардан эди. Лекин, сермахсул ижодкор, тиниб-тинчимасди. Назаримда вилоятда у бормаган хўжалик қолмаган бўлса керак. Энг муҳим топшириқлар унга ишониб бериларди. Меҳнаткаш, камтар-камсукум бу кишини ҳаммамиз ҳурмат қилардик. Тахририятнинг ишидан ортиб, кўша-кўша пьесалар, қиссалар, кўплаб ҳикоялар ёзган. Биз — ёшлар унга ҳавас билан қарардик.

Худойберди Тўхтабоев ва Нўмон Насимовларнинг ёзган мақолалари, фелетонлари қўлма-қўл бўлиб кетарди. Ҳар ҳафтанинг белгиланган кунда «Ур тўқмоқ» рўкни остида ҳаётдаги камчиликлар танқид остига олинган хабар ва мақолалар чоп этиларди. Уларни асосан Худойберди тайёрларди. Кейинчалик у

Йиллар ардоғи

эл оғзига тушган фелетончи сифатида танилди. Эндиликда эса болалар адабиётининг етуқ намоёндаси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Бошқаларнинг кўнглига келмасину ажайиб жамоа тўпланганди ўшанда. Бирга ишлардик, бирга тушликка чиқардик, ойига бир бор кимникидадир тўпланардик — «гап»имиз бор эди, улфат эдик. Заҳматкашликда тенги йўқ ким деб сўрасалар, даставвал Носир Рихсиевнинг номини тилга олган бўлардик. У шу даргоҳга келди қўлига диплом олгач, шу ерда пенсия ёшига етди. Ҳамон меҳнатда, ижодий изланишда бошқаларга ўрнак. Тўғри сўз, ҳалол бу ижодкорни ҳамма яхши кўради, ҳурмат қилади. Худди шундай ходимлардан бири менинг курсдош ўртоғим Мирсобир Мирхамидовдир. У ҳаёли инсон. Фарида Усмонова, Солиха Каримова, Александр Аббоян, Раҳимберди Умаров, Исмаи Мансуров, Раҳматилла Норжигитов, Илҳом Фозилов, Илҳом Султонов, Фарида Бойкова, Муборак Фозиев, Малик Иброҳимов, Собир Шокаримов, Соат Мусаев, Темур Расулев, Тохир Мирҳодиев, Насрилла Ҳикматуллоев, Абдувоҳид Мирзааҳмедов, Эйтибор Мамажонов... эҳ-хе, санайверсам катта рўйхат бўлгусидир. Афсус... ҳаёт экан. Уларнинг айримлари бугун орамизда йўқ. Илоҳим ўтганларнинг охири ошди бўлсин. Аммо, уларнинг ҳар бири ҳақида биттадан дoston яратса арзийди. Унутмасман сизларни то танимда жон бор экан, қувонч ва ташвишларимни баҳам кўрган кадрдонларим.

Исмоил СУЛАЙМОНОВ.
(Давоми бор).

Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Қўмитасининг Божхона коллежи 2001–2002 ўқув йили учун божхона иши-ҳуқуқшуноси мутахассислиги бўйича қабул ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Божхона коллежи ҳарбийлашган ўрта-махсус, касб-ҳунар таълим муассасаси ҳисобланади. Божхона коллежи божхона идоралари учун ўрта бўғин кадрларни тайёрлайди. Коллежда ўқитиш муддати 3 йил, шу жумладан 1 йил амалий ишда синовдан иборат. Ўқитиш Давлат таълим грантлари асосида кундузги шаклда амалга оширилади.

Коллежда ижтимоий-гуманитар, юридик ва божхона ишига оид махсус фанлар, инглиз тили, ҳарбий хизмат, автомобиль тайёргарлиги, информатика асослари каби фанлар ўқитилади.

Коллеж битирувчиларига божхона иши-ҳуқуқшуноси мутахассислиги дипломи, божхона хизмати лейтенанти унвони берилади. Ўқиш вақти божхона органларида хизмат стажига ва қуролли кучлар сафларида хизмат қилмаганларга эса, ҳарбий хизмат муддатига қўшилади.

Коллеж курсантлари, норматив



пул таъминоти, кийим-бош, озиқ-овқат ва ётоқхона билан бепул таъминланадилар. Божхона коллежиге 11 йиллик умумий ўрта таълимга эга, ёши 17дан 23гача бўлган, бўйи 170смдан паст бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (асосан йигитлар) қабул қилинади. Абитуриентларни ёши жорий йилнинг 31-декабри билан белгиланади.

Жойларда божхона идоралари махсус комиссиялари томонидан амалга ошириладиган касбий танлов та-лабларига жавоб берган абитуриент-

ларнинг шахсий ҳужжатлари божхона коллежиге юборилади. Ҳарбий-тиббий кўрик, жисмоний тайёргарлик ва касбий танловнинг бошқа синовларидан ўтган абитуриентлар она тили ва математика бўйича тест синовларида иштирок этадилар. Тест синовлари Давлат Тест Маркази томонидан амалга оширилади. Божхона коллежиге ўқишга кириш тўғрисидаги аризалар фуқаро яшаб турган жойдаги божхона идоралари томонидан 2001 йилнинг 1-апрелига қадар қабул қилинади.

Ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ маълумотларни Тошкент вилояти божхона бошқармаси кадрлар бўлими телефонлари орқали олишингиз мумкин.

Тел: 120-86-14.

ички: 40-41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар,

М. Улўғбек тумани,

Темур Малик кўчаси, 2-ўй.

ДУСТ БИЛАН ОБОД УЙИНИГ

Жаҳонда якка инсон ҳам, қудратли давлат ҳам ёлғиз ўзи барча мушкулотларни ҳал этиб яшолмайди. Унга яхши-ёмон кунларида елкадош, ҳамкор бўладиган дўст керак. Россия президенти Владимир Путиннинг Украина президенти Леонид Кучма билан учрашуви ана шундай дўстликнинг ўзига хос бир намоиши бўлди. Ушбу учрашув оқибатида жуда кўп соҳаларда икки давлат бири бири билан ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномаларни имзолашди.

Албатта, ҳар бир давлатнинг ички муаммолари бўлади. Икки давлат раҳбарининг шартномага имзо чекиши мана шу муаммоларни бартараф этиш йўлидаги муҳим қадамдир. Учрашув давомида Россия президенти Украинадаги сиёсий вазият ҳақида берилган кўплаб саволларга жавоб бера туриб, таъкидладики: «Ҳозир Украинада ички ўткир сиёсий муаммолар вужудга келмоқда. Бунга бепарқоқ раҳбарлик мумкин эмас. Лекин биз ҳамкорликни давом эттирамиз. Украин халқи ўзи танлаган демократик йўлни муваффақият қозонишига ишонамиз».

Сафар натижаларига иккала мамлакат халқи катта умидлар боғламоқда. Чунки, Украинадек моддий ва хомашё базаси ниҳоятда катта мамлакатнинг Россиядек ишлаб чиқариш имкониятлари юқори бўлган юрт билан ҳамкорлиги — бу эртанги куннинг янада ёрқин ва тўқин бўлишидан далолатдир.

Айни пайтда президент Эдуард Шеварднадзе эса «Грузия ҳеч қачон НАТОга аъзо бўлишга интилмайдими», дея баёнот берди. Унинг айтишича: «2005 йилга бориб Грузияда мутлақо бошқача имкониятлар эшиги очилиши мумкин. Бу пайтга келиб, кўп нарсалар ўзгаради. Балки мамлакатимиз ҳолис бир давлат бўлиб қолар».

Лекин, АҚШнинг Кавказортидаги бу республика билан ўзаро ҳарбий ёрдамни янада кучайтиришга интилишини

қандай баҳолаш мумкин? Америкаликлар Арагва дарёси соҳилларига Грузия қуролли кучларини қайта тузиш мақсадида келганлари сир эмас. Яна ушбу делегацияни АҚШ мудофаа вазирининг масла-

ИШЛАРИ ТУШГАН ЖОЙИНИ ҚАРАНГ

Американинг Жексон шаҳридаги уй-жойи йўқ, бечора бир бола тунни чордоқда ўтказишга қарор қилди. Келиб-келиб, полиция участкаси жойлашган бинонинг томига чиқиб ётиб олди. Унинг тагида ходимлар дам оладиган хона ўрин олган экан. Болакай кўзини очиб қараса, ўзининг эски-тускиларига ўралганча полда ётибди. Атрофида форма кийган бир нечта киши унга ҳайрат билан қараб туришарди. Болани кўтаролмаган тупроқ том ўпирилиб тушган экан. У осонгина кутулиб кетди деб ўйлайсизми? Асло! Унга шаҳар мулкани ишдан чиқарди, деб айб қўйилди. Бечоранинг келиб-келиб тушган жойини қаранг.

XXI asr va dunyo

Mamlakatlar & Odamlar & Voqealar

Greyibotlar

ҳатчиси грузин миллатита мансуб Отари Шаликашвили бошқармоқда.

Сўзимизнинг бошида дўстлик ҳақида гапирган эдик. Дўст қўлида нон, дилида иймон билан кириб келса, ҳар бир хонадон нурланиб кетади. Лекин ўртага қурол аралашар экан, бу дўстликни тўла маънода бахт келтиради, деб айтиш қийин. Ҳар нима бўлганда ҳам, мамлакатлар бири-бири билан иноқ бўлсаю, — бундан барчага тўқислик ато этилса қандай ажойиб! Буни ўзимиз ҳаётимизда кўриб, гувоҳ бўлиб турибмиз. Ўзгаларнинг ҳам, ўзимизнинг ҳам дўстларимиз кўпайсин — бизнинг ниятимиз ана шундай.

ФАРОСАТЛИ КУРКА

Англиялик фермер Жерри Уоткинс Пахо лақабли куркасини сўйиш учун товукхонага кириб, ханг-манг бўлиб қолди. Пахо очириб учун қўйилган товукларининг устида ялпайиб ўтирарди. Курк товук бўлса бир четда донлаб юрарди. Фермер куркнинг бунчалар ақлилигидан ёқасини ушлади. «Бундай ақлли жониворни сўйиб ейиш бориб турган гуноҳ», деди у. Ишқилиб курканинг ўрнига олатовук қурбон бўлмаган бўлса бас.

ИККИ МОМОНИНГ

«ЖАНГИ»

Туппа-тузук гаплашиб ўтирган, бири 78 ёшли Мари Маршанд, иккинчиси 80 ёшли Ивонна Кабре бирданига жанжаллашиб қолишди. Улар Франциянинг Луан шаҳрида қадимий осори-атиқалар билан савдо қилувчи дўкон очишганига эндиgina уч кун бўлган эди. Жанжал кимнинг буюми кўпроқ пештахтага қўйилади деган масалада бўлди. Кампиршолар дастлаб даҳанаки, сўнгра кўл жангига ўтишди. Охири чарчаб, пештахтага сотиш учун қўйилдиган ноёб буюмларни бири-бирига ота бошлашди. Шу тариқа вино ичувчилар учун мўлжалланган бебаҳо терма, чинни вазалар, ликопчалар, биллур идишлар, гоҳ у кампир томонга, гоҳ бу кампир томонга уча бошлади. Бу жанжал бизнес билан шуғулланмоқчи бўлган момоларга 40 минг АҚШ доллари тушди.

Машҳурлар ҳаётидан САБОҚНИНГ ЭРТА-КЕЧИ ЙЎҚ

Англия қироличаси Елизавета жаноби олиялари билан гаройиб воқеа бўлиб ўтди. Узининг лимузинида Видзор қалъасига яқин жойдан ўтиб кетаётган, унинг кўзи велосипеддан йиқилиб, қаттиқ лат еган қизчага тушиб қолди. Ичи ачиб, ҳайдовчига машинани тўхта-тишни, қизни машинага таклиф қилишни буюрди. Ҳайдовчи бу талабни сўзсиз бажарди. Бориб қизни таклиф қилгач, ундан эшитган жавобни келиб айтганида, қиролича ханг-манг бўлиб қолди. Каттакон машинада ёлғиз ўтирган аёлни кўриб, қизча нима дебди денг: «Нотаниш кишиларнинг машинасига утиришни мутлақо хоҳламайман». Қиролича унинг жавобидан хафа бўлмади. Аксинча, мамнун бўлди.

РОБОТЛАР МУШУК БЎЛАДИ

ЯПОНИЯлик ишбилармонлар олам аҳлини ҳайратга солишда давом этмоқдалар. Улар робот кучуқдан кейин робот мушуклар ва робот футболчиларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. «Бандай» компанияси ўзининг янги ишланмаси — электрон мушукни намоиш этди. Шунинг айтиши керакки, Японияда робот мушукларнинг бир қанча нусхалари бор. «Бандай» ишлаган мушуклар эса икки филдиракли,

икки панжалидир. Уларнинг қулайлиги одам томонидан осонгина ҳаракатга келтириш, бошқариш мумкин. Ҳатто, бир тугмасини босиб билан бу мушук кўзларини ҳам пирпиратади. Мушуквойнинг нархи 470 доллар. Тириги кўчада тентираб юрган мушукнинг нархини қаранг! «Такара» компанияси эса бир гуруҳ аквароидлар яратди. Робот балиқ, медуза, креветка, краблар энди одамнинг қўлида рақс ту-

шади. Уларнинг нархи анча арзон — 140 доллардан.

Бу ҳаммаси эмас. Япониянинг етакчи «Бандай», «Томи» ва «Такара» компаниялари биргаликда робот футболчиларни ишлаб чиқараётганликларини эълон қилди. Бошқариладиган бу футболчилар ўртасида росмана жаҳон биринчилиги 2050 йилда ўтказилар экан. Чамаси келажақ ташвишлари бугун бошланди чоғи.

Жаҳон маданияти юлдузлари

МЕН КИМГАДИР К Е Р А К ЭКАНМАН...



Юлдузларнинг таржиман ҳолини ёзиш ҳазилакам иш эмас. Унда машҳур артист ёки расом, ёки кўшиқчининг бутун ҳаёти ўз аксини топиши керак. Бу борада Алла Пугачёванинг ҳаётини китоб қилмоқчи бўлганлар сира ҳам қийналишмас керак. Чунки машҳури жаҳон бу хананданинг умри ишқий романга ҳам, саргузашт фантастикага ҳам ярайверади. Сабаби Россия эстрадасининг маликаси, хонанда ва бастакор, пойабзал моделчиси Аллахоним ҳаётда жуда кўп норсани кўрган, бошидан кечирган.

ивир-шивирларга чек қўйди. Мен хотинбоз эмасман. Одамзотдаги ахлоқий тарафларни жуда ҳам ҳурмат қиламан. Мен учун оилам жуда эъозли, — дейди у.

Алла Борисовнанинг ҳаётда орттирган энг катта бойлиги — бу кўшиқлари. «Арлекино», «Миллион дона алвон гул», «Уч бахтли кун», «Тақдир ҳазили» бадий фильмда Барбара Брилсканинг лабларидан учган кўшиқлар... Кўшиқларнинг сони мингга яқин. Ҳар бирининг ўз тарихи бор, ўз тақдири бор. Бу тарих гоҳида кулгули, гоҳида аламли, буларни фақат Алла билади.

Алла Пугачёва ҳам сизу биз сингари одам. Бир сафар унинг шоншухрати йўлида роса тер тўққан Раймон Паулс билан уришиб қолди. Жаҳл устида бир уриб кўзойнагини синдириди. Эрталаб эса, минг тавалло билан ундан кечирим сўради. «Сен билан Алла Борисовна, яхши-си хушёрлигингда дуч келиш керак, сал ичволдингни, қонинг қизийди», деб кулди Паулс. Бир сафар эса Санкт-Петербургдаги мекдонхонага шитоб билан кириб қолди. Тўғри бориб бир хонани очди. Қараса, унга аталган жойда бошқа одам ўтирибди. Алла хоним қилди жанжални, қилди жанжални. Бечора мекдонхона ходимлари уни зўрга тинчлантиришган эди.

Ҳаётдаги бу каби ўткинчи ҳолатлар сира ҳам Пугачёванинг истеъдодига, одамийлигига соя соллолмайдими. У мусиқа Олимпига ўзининг камдан-кам учрайдиган қатъияти ва матонати билан эришди. Мана шунинг учун ҳам у салкам ўттиз йилдан бери биринчи бўлиб яшаб келмоқда.

Мабодо XX аср ҳақида гап кетадиган бўлса, одамларнинг хотирасида, ён дафтаридаги ёзувларда кимларнинг номи қоларкин? Майя Плисецкая, Святослав Рихтер, Пеле ёки Мухаммад Алими? Улар сўзсиз ўз соҳасида буюк одамлар. Лекин, бу буюкларнинг қаторида Алла Пугачёванинг номи зикр этилмаса, адолатсизлик бўлади. XX аср бошқа ҳар қандай юлдузларники бўлгани каби, Алла Пугачёванинг ҳам асридир.

Алла Пугачёва сахнада кўшиқ айтмайди, кўшиқ бўлиб яшайди. Кўшиқ оламида тириклик қилады. Шу сабабли ҳам сахнадаги Алла билан ҳаётдаги Аллани бири-бирига солиштириш асло мумкин эмас. Сахнада у олов бўлса, ҳаётда ҳаммамиз катори сокин. Алла Пугачёва ўзининг бир сўзида айтган эди: «Мен алоҳида одамларга эмас, балки ҳаммага керак бўлишни истайман. Балки мана шу ниятда ҳар сафар сахнага чиқарман. Менинг кўшиқларимни эшитиб, йиғлаган кишиларни кўрдим. Балки, мана шунинг учун ҳам сахнадан кетгим келмас. Балки, кимгадир керак эмасдирман, балки кимгадир ниҳоятда зарурдирман. Мана шу зарурлигим учун яшаётганимдан беҳад шодман».

Алла Пугачёва кўшиқ бўлиб яшайди, дедик. Кўшиқнинг жойи эса муҳлисларнинг юрагида. Бу юракдан у аллақачон ўз ўрнини эгаллаб бўлган.

Темир Йўлдошев.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДЎСТЛАР

Қалам:
— Сен нега ҳамма вақт мени таъқиб қилиб юрасан?
Ҳизиргич:
— Мен сенга дўстман, шунинг учун хато қилиб қўйсанг, ўчириб, тузатишга ошиқаман!
«ЎҚИЙВЕРИБ ҚИЙНАЛДИМ»
— Дадаси, ўглингизни институтга киргизиб кўяқолайлик!
— Ўн йил унинг учун дарс тайёрлаганим етар! Энди олий ўқув юртида ҳам ўқийманми?

Насрий масаллар

ТУШ
Домла:
— Нега маъруза вақтида ухлаб ўтирибсиз?!
Талаба:
— Кечирасиз, домла. Мен маърузани тушимда кўриб, эшитаянман деб ўйлабман...

АВТОБУСДА

— Ичкарига сурилмайсизми? Ўртаси бўшқу!!!
— Қандай қилиб сурилай, ахир оёғимни бошиб турибсиз...

Баҳром **ТОҶИЕВ**.

МАҚТАНCHOQ CHIVIN

Bolalik bog'i
*Kelib qolgan kabi tor,
G'urur bilan murtini
Qimirlatdi necha bor.
So'ng hovlida o'ziga
Orolandi berib zeb.*
«Ha, chindan zo'r ekansan», —
Dedi Chumchuq tutib yeb.
Asom **ZIYOMAT**.

O'zin ko'rib ko'zguda
Chivin: «Akang zo'r», — dedi,
Uyoq-buyoqqa yurib:
«Saiobatim ko'r», — dedi.
Hatto, katta xona ham

Буни ҳаёт дейдилар

Солижоннинг қишлоқ хўжалиги бўйича илмий иши муҳокамаси зўр баҳоланди. Шу куни унинг учун қўшалок байрам бўлди. Хотини ўғил туғди. Болага Солижоннинг ўзи исм қўйди.

— Бахт нималигини энди туйдим, Кумушим. Кел, болага Бахтиёр деб исм қўяйлик.

Кумуш маъсум жилмайди:
— Сиз нима десангиз шу, дадажониси! Қишлоққа хабар бермаймизми? Шарифа опам жуда гиначи эди, тагин...

Солижон шу хушнуд кунда Шарифа янғасини ўзи туғул исмини ҳам эслагиси йўқ эди. Буни Кумушга билдиргиси келмади:

— Хабар бераман, албатта. Моҳира холагаям айтаман, роса суюнадилар, — деди таскинвор оҳангда. Кейин беихтиёр хиргойи қилиб қўйди.

Онам бўлса келмасмиди, ўрик, майиз бермасмиди...
— Қўйинг, шу кўшиқни Солижон ака! Шу бугун фақат яхши кунларимизни эсланг.

— Бахтимизнинг, муҳаббатимизнинг меваси қутлуғ бўлсин, оналик бахти муборак, Кумуш.
— Қуллук, сизгаям...

Тугруқхонадан қайтар экан, Солижон эртага қишлоққа боришни режалаштириб қўйди, аммо хаёли уни болалиги кечган ҳовли, тор феълли янғасига элтди...

Сахардан буён туз тотмаган Солижон пецайвон раҳида турган, кўшни киргизган сумалакдан энди ялаганди, янғасининг шапалогидан қулоғи шанғиллаб кетди.

— Қорним очди, янга, — деди бола айб иш қилиб кўйгандек, орқага тисарилиб.

— Қорнингга қора илон кирсин, ҳали болаларим егани йўқ сумалакни. Йўқол деянман сенга. Олдин челақларни сувга тўлдири, қорнингни кейин қаппайтирасан.

Солижон беҳол ўрнидан кўзгалар экан, кўзлари ғилтиллаб косадаги сумалакка қараб қараб қўйди.

Эндигина 12 ёшга тўлган болакай амакиси уйдалигиде салгина яйрар, унга-бунга оғзи тегиб қоларди, холос. Нормат ишга кетди дегунча, Шарифа уни аямай ишга солар, қилган ишидан кўнгли тўлмас ош-нон бермай, аёвсиз турткиларди...

...Басия хола кенжа келинидан Азроилдан кўрққандек кўрқади. Унинг жағи очилди дегунча молхонагами, томорқага-

ОНАМ БЎЛСА КЕЛМАСМИДИ...

ми қочиб қолади. Икки яшар набираси Солижоннинг бувиси бағрида юрганига чидолмасди келини. Катталарнинг эркалаларига интиқ болакай ҳовлида тўмталок юрганида янғасининг этагидан тўса борми, Шарифа уни туртиб юборар ёки зимдан ўйиб оларди. Бирдан чинқириб юборган болани яна юзсизларча овутган бўлиб:

— Вой асал бола, йиқилиб кетдингизми? Туринг, туринг, — дея ёлғондакам тургазиб қўяр, айвонда ямоқ қилиб ўтирган кампирнинг киртайган кўзларига қўйилиб ёш келар эди. Негаки жони оғриган мурғак болакай келиб бувисига янғаси урганини амаллаб тушунтирар эди.

Шарифа эшитмасин деб шўрлик буви «еттига етгунча йиқилиб-суришиб улғаясан, болам», деб қўярди ўрсиниқ аралаш.
«Негаям Самадга келган ажал мени олиб кетмади. Болагинам чумолигаям озор бермасди-я. Ер ютгур ҳамтовоклари ичкиликка бўктириб, тоққа олиб чиқишганида, болагинам сел балосига гирифтор бўлмасмиди?! Келиним Саҳобат болани ташлаб, эр қилиб кетмасмиди?!»

Басия хола ўлимидан кейин Солижоннинг ҳоли не кечилини ўйлаб эзилиб кетарди доим. Болани битта-ю битта тоғасига бериб юборар деса, тоға йилда бир йўқлаб келмасди! Саҳобатнинг эса қайси гўрдалиги номаълум.

Болапақирнинг эгнига янги либос инмади. Доим ўзидан бир ёш кичик амакивачаси Нурматнинг кийимларини кийди. Мактабда ўқишда, одобда олдинда бўлди, лекин кийинишда... Унинг

оилавий шароитини билган ўқитувчиси Нозима опа бир гал болага ўз ҳисобидан кийим-кечак, дафтар-қалам олиб берди.

Ушанда Солижон қувониб кетди-ю, кейин дарҳол юрагини ваҳм чулгади. Қўшниси Моҳира хола ҳайит байрамида унга янги дўппи кийгизганида, янғаси бошидан юлқиб олиб, қозон сочиқ қилиб олган эди.

Энди... Нозима опа берган нарсаларни нима деб олиб боради? Боланинг кўнглидан кечганларни уққан опа унга ўргатди:

— Янганга айт, синфимиздаги энг аълочи болаларга совға сифатида ушуларни беришди дегин, хўпми, ўғлим.

Ширин сўзга кўнгли очикқан Солижоннинг ўпкаси тўлиб кетганда ўшанда. Янғасига Худо инсоф бериб ҳартугул бу сафар индамади. Аммо, оплок ич кийимини ўғли Нурматга кийдириб қўйди...

— Сенга қўйлағиям етади, — деди безбетларча. — Яхшироқ ўқийвер, зора энгил-бошингни мактабинг бериб турса!

Солижон ўқишни битиргач, институтга бормоқчи бўлди. Аммо, киси билан янғаси тайёр дастёрдан ахралгиси келмай жўнатишмади. Бола барибир яқин жўраси билан қўшилиб, Қишлоқ хўжалик институтига сиртдан ўқишга кирди. Янғаси бир ой унга қовоқ-тумшук осди, олдига косани тўқиллатиб қўйди. Солижон илмга чанқоқлиги боис ўқишни биринчи босқичнинг ярмида кундузги бўлимга ўтказди. Шу куни яна янғаси қовоқ-тумшук осган, ер

титраб қарғанди.

— Энди бутунлай гумдон бўлмоқчимсан, — деди Шарифа. — Ҳафтада бир келиб-ке-тиб ёригимни бутлаб берармидинг?! Топганимни еб кетасанда!

Янғасининг тишли гаплари ўсмирнинг кўксига ханжардек ботди. Бора-бора у ҳафтада бир эмас, ойда бир келадиган бўлди. Кейин илмий иши туфайли ойлаб келолмади, тўғрироғи, уни ўзига тортадиган қайноқ бағир йўқ эди...

— Солижон ака, чойингиз тайёр, ишга кеч қолманг тагин, — у хотини Кумушнинг овозидан ҳушига келди. — Намунча шу кўшиқни тингламасангиз, юрагимни ҳам эзиб юбордингиз, дадажониси! Ахир, мен ҳам етимликда ўсдим, мен кўрмаган ҳамма меҳрни бераяпсиз. Шукр, ўғлимиз бор. Илмимиз, бошпанамиз, дўстларимиз бор. Нахотки, биз энди ҳам етим бўлсак?..

Кумуш эрининг сочларига оқ оралай бошлаган бошини силаб, кўксига тортди:

— Суянган тоғим, меҳрибоним...

Стал устидаги магнитофондан эса, ҳазин куй, мунгли кўшиқ таралади ва у Солижонга бугунги бахтиёр кунда ҳам болалигининг бол тотмаган онларини эслатиб турарди:

**...Онам бўлса келмасмиди,
Боласин бир кўрмасмиди,
Бағрига босиб-эркалаб,
Урик-майиз бермасмиди?**

Нигора **ШОҒАЙЗИЕВА**.

**Қулганга
Нима
ЁТСИН!**

ШИФОКОР ҚАБУЛДА

— Ичасизми?
— Бўлса, қуйинг.
ГОҲ-ГОҲИДА
— Бемор, уйқунгиз қандай?

— Яхши, учгача санаб ухлаб қоламан.
— Нега, фақат учгача?
— Гоҳида уч яримгача ҳам санайман.

ЁРИКИБ ЎЛАСИЗ

Икки киши ҳасратлашяпти:

— Қизим бахтли турмуш курди, деб ўйлапсанми?
— У кимлардан алимент олаётганини билсанг ёри-либ ўласан.

ҚЎЛГА ТУШДИ

— Эрим қаттиқ шамоллаб қолибди...
— Тўйиб ароқ ичиб, ўра-либ ётсин.

— Вой, муғомбирей, ўзи фирт маст-ку, тагин касалман деганига ўламанми.



Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 17-21 февралнинг дастлабки кунларида пойтахтимиз ва Тошкент вилоятининг айрим ҳудудларида ёғингарчилик бўлиши эҳтимоли бор. Шамол кучайиб, унинг тезлиги ҳар со尼亚да 15-20 метрга етади. Ҳарорат кечалари бир даража совуқ, 4 даража илиқ, кундуз кунлари 6-11 даража илиқ бўлиши кутилади.

Шу даврнинг иккинчи ярмида эса ҳаво ҳарорати кўтарилади. Кечалари 3-8, кундуз кунлари эса 13-18 даража атропофида илиқ бўлиши кутилади.

Тошкент Педагогика коллежи (илгариги Педагогика билим юрти) томонидан 1992 йил 30 июнда Юлдашева Умида Сатторовна номига берилган 433687 рақамли йўқолган диплом **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти ҳокимлиги жамоаси Оккўрғон тумани ҳокими Абдугани Дехқонбоевга волида муҳтарамаси **Махсуда ая ТУРСУНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ИРИСМЕТОВ «СПАРТАК»ДА, ҚОЛГАНААРЧИ?..

Ҳадемай футбол бўйича навбатдаги миллий чемпионат ўйинлари ҳам бошланди. Ишқибозларни вилоятимизнинг «Дўстлик» жамоаси бу йил қандай таркибда майдонга тушиши албатта қизиктиради деб ўйлаймиз...
XX асрнинг сўнги йилида

чемпионликни қўлга киритган жамоани афсуски, бир неча футболчилар тарк этишди.

Моҳир ўйинчилардан Фарид Ҳабибулин ва Павел Кайгородовларнинг «Дўстлик» билан тузган шартномасининг муддати тугаган. Ҳозир эса улар Россиянинг «Химик» клубида си-

новдан ўтиш учун тарадуд кўрмоқдалар. Жамоанинг энг тажрибали ўйинчиси Нўмон Ҳасанов ўзининг 30 ёшини нишонлаган, Қашқадарёга жўнаб кетди. У «Насаф»га ўтиш ҳақидаги миш-мишларни бир ёқлик қилиш учун кетган бўлса ажаб эмас.

Яна бир футболчимиз Рустам Шоймардонов Россиянинг «Сокол» жамоасига бориб, ҳатто Кипрда Словакиянинг «Дубница» жамоаси билан бўлиб ўтган ўртоқлик учрашувида майдонга тушишга ҳам улгурди.

Камолитдин **АСҚАРОВ**.

Яшил майдонда нима гап?

ТОШКЕНТ НАҚИҚАТИ
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ХОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48.
Ўзлонлар:
133-40-48, 136-57-27.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида № 8 рақам билан рўйхатга олинган

• Ёллон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилик учун реклама ва ёллон берувчилар масъулдир.